

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ  
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКПУЛАТОВ ЖАВЛОН МУСТАФОКУЛИЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ОЛИНГАН  
РЕАГЕНТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ОЛТИН ТАРКИБДАГИ  
РУДАЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИНИ  
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Бекпулатов Жавлон Мустафокулиевич**

Маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган реагентлардан фойдаланиб  
олтин таркибдаги рудаларни қайта ишлаш технологик схемасини  
илмий асослаш.....3

**Бекпулатов Жавлон Мустафокулиевич**

Научное обоснование технологических схем переработки  
золотосодержащих руд с использованием реагентов из отходов  
местной промышленности.....17

**Bekpulatov Javlon Mustafokulievich**

Scientific substantiation of technological schemes of processing of  
gold-containing ores using reagents from waste of local industry.....31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....34

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ  
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКПУЛАТОВ ЖАВЛОН МУСТАФОКУЛИЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ОЛИНГАН  
РЕАГЕНТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ОЛТИН ТАРКИБДАГИ  
РУДАЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИНИ  
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1089 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ndki.uz](http://www.ndki.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ахмедов Хамиджон**  
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:** **Мухиддинов Баҳодир Фахриддинович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Худояров Сулейман Рашидович**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК**

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz), [nsmi@gmail.com](mailto:nsmi@gmail.com)).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Қ.С.Санақулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д, профессор

**Ш.Ш.Заиров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Ю.Д.Норов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда олтин таркибли сульфидли рудалар ўзининг минерал таркиби, бошқа минераллар билан боғланиш характери билан бир биридан фарқ қилади. Сульфидли олтин таркибли рудалар қийин бойитилувчан рудалар турига киради ва метал ажралиши бўйича паст кўрсаткичларга эгаллиги билан характерланади. Олтин таркибли рудаларнинг қидириб топилган захиралари улар таркибида олтин миқдорининг анча камлиги (3-7 г/т), майин хол холлиги, олтин зарраларининг нотекис тақсимланганлиги ва юқори дисперслигини кўрсатади. Шу муносабат билан олтин таркибдаги рудаларни қайта ишлаш технологик схемаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда олтин таркибли рудаларни бойитиш ва гидрометаллургик қайта ишлашнинг технологик схемаларини такомиллаштириш, янги технологик ва техник ечимларни ишлаб чиқиш йўли билан олтин таркибли сульфидларнинг юзасини максимал очиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада рудаларни анъанавий ва янги маҳаллий реагентларни қўллаб флотация усулида бойитиш схемаларини ишлаб чиқиш, олтин таркибли рудаларни бойитиш ва қайта ишлашнинг турли усуллари ишлаб чиқиш, бойитиш фабрикалари ва гидрометаллургик заводларда бойитиш самарадорлигини ошириш, олтин таркибли рудаларни анъанавий реагентлар ёрдамида қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш зарур.

Республикамизда олтин таркибли рудаларни бойитишнинг технологик схемаларини такомиллаштириш, олтин таркибли конлар рудаларининг хусусиятлари ва моддий таркибини аниқлаш, олтин таркибли рудаларни механик бойитиш чиқиндиларини, гравито- ва флото бойитмаларини цианлаш ва сорбциялаш услубини яратиш, олтин таркибли конлари рудаларини қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «йирик кон-металлургия тармоқлари корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, жадал ривожлантириш, модернизациялаш...»<sup>1</sup> муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда олтин таркибли рудаларни қайта ишлашнинг маҳаллий sanoat чиқиндиларидан олинган реагентларни қўлловчи технологик схемаларни яратиш ва ишлаб чиқиш қимматбаҳо металларни максимал қазиб олиш ва қайта ишлашга қаратилган технологик ва техник ечимларни бажариш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4124 «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олтин таркибли рудаларни бойитишнинг илмий асослари ва технологик схемаларини яратиш ва ривожлантиришга олимлар Абдурахмонов С.А., Ахмедов Х.А., Бергер Г.С., Воробьев А.Е., Денисова О.В., Забельский Д.К., Зеленов В.И., Ласкорин Б.Н., Лер К., Лодейшиков В.В., Милованов Л.В., Митрофанов С.И., Санакулов К.С., Таугинянская З.Р., Хабиров В.В., Хасанов А.С., Эргашев У.А., Griffin A.F., Grimm R., McQuiction F.W., Shoemaker R.S. ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Улар рангли металл рудаларини бойитиш технологияларини ишлаб чиқишда, бойитишнинг технологик кўрсаткичларини такомиллаштиришда, бойитилувчанликни ўрганиш услубини яратиш ва олтин таркибли рудаларни қайта ишлашнинг технологик схемаларини ишлаб чиқишда катта муваффақиятларга эришганлар.

Ўзбекистоннинг олтин таркибли руда конлари ўзининг моддий таркиби, олтинни бошқа минераллар билан боғланишининг характери билан бир бирдан фарқ қилади. Осон цианланувчи оксидли олтин таркибли конларнинг борган сари камайиб бораётгани туфайли сульфидли олтин таркибли рудаларни қайта ишлашга жалб қилиш муаммоси долзарб бўлиб бормоқда. Бу эса рудаларни дастлаб флотация усулида бойитишни талаб қилади.

Анъанавий флотация реагентларининг танқислиги ва нархининг баландлиги туфайли уларни саноат корхоналари чиқиндиларидан олинадиган маҳаллий реагентларга қисман алмаштириш реагентларни сотиб олишга сарфланадиган харажатларни қисқартиришга ва олтин ҳамда кумуш ишлаб чиқаришни арзонлаштиришга имкон беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот режасининг 7/15-сон «Ўзбекистон Республикасининг қидириб топилаётган конлар рудаларини бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва 8/15-сон «Қизилқум қийин бойитилувчи рудаларини маҳаллий реагентларни қўллаб қайта ишлашнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олтин таркибли рудаларни бойитишда маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган реагентлардан фойдаланиб, қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқот вазифалари:**

олтин таркибли рудаларни бойитишнинг технологик схемаларини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикасидаги олтин таркибли конлар рудаларининг хусусиятлари ва моддий таркибини ўрганиш;

технологик намуналарни ўрганиш орқали олтин таркибли рудаларнинг бойитилувчанлигини ўрганиш йўли билан тадқиқотлар методикасини ишлаб чиқиш;

олтин таркибли рудаларни механик бойитиш чиқиндиларини, гравито ва флото бойитмаларини цианлаш ва сорбциялаш услубини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси олтин таркибли конлари рудаларини қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қизилолма, Кочбулоқ ва Аджибугут конларининг сульфидли олтин таркибли рудалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** олтин таркибли рудаларни маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган реагентларни қўллаб қайта ишлашнинг технологик схемаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида сульфидли олтин таркибли рудаларни қайта ишланишнинг назарияси ва амалиётини умумлаштирувчи, статистик, графоаналитик ва аналитик усулларни қўллаб, назарий ўрганишлар, лаборатория тадқиқотлари, ярим саноат миқёсида тажрибалар ўтказиш, ишлаб чиқилган услубларни саноат корхоналари жараёнида текшириб кўриш, спектрал ва минералогик таҳлил, таҳлилнинг пробир, кимёвий ва фазавий усуллари тажриба натижаларига математик ишлов бериш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

олтин таркибли рудаларни флотация усулида бойитишда маҳаллий саноат чиқиндисидан олинган реагентни қўллаш мумкинлиги аниқланган;

технологик намуналарни ҳар хил ўлчамда янчиб бойитишга тайёрлаб, гравитация ва флотация усуллари қўллаган ҳолда анъанавий ва маҳаллий ПС-1 реагентлардан фойдаланиб Қизилолма ва Кочбулоқ конлари рудаларидан юқори технологик кўрсаткичлар олиш мумкинлиги исботланган;

олтин таркибли механик бойитиш, гравитацион ва флотацион чиқиндиларни цианидлаб сорбциялаш натижасида эритмага юқори олтин ва кумуш ажратиш олиш технологик схемаси ишлаб чиқилган;

олтин таркибли рудаларни механик бойитиш, гравито-флотобойитмаларни цианлаш ва сорбциялаш услуби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

технологик намуналарни таҳлил қилиш орқали олтин таркибли рудаларнинг бойитувчанлигини аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси олтин таркибли конларининг рудаларини қайта ишлашнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

флотацион бойитишда анъанавий реагент БКК ва маҳаллий реагент ПС-1 ни қўллаш натижасида юқори технологик кўрсаткичлар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва яримсаноат миқёсида ўтказилган тадқиқотларни ҳажми, олтин таркибли рудаларни маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган реагентларни қўллаб қайта ишлашнинг технологик схемасини асослаш бўйича асосий ғоянинг ўхшашлиги ва миқдори билан ифодалаш исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси олтин таркибли конлари рудаларининг моддий таркибини ўрганиш ва уларни маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган янги реагентларни қўллаб қайта ишлашнинг технологик схемасини илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти руда технологик намунасининг моддий таркибини турли усуллар билан батафсил ўрганиш, олтин ва кумушга рационал таҳлил ўтказиш ва кимё саноати чиқиндиларидан олинган реагентлардан фойдаланиб, олтин таркибли рудаларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олтин таркибли рудаларни маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган реагентлардан фойдаланиб, қайта ишлашнинг технологик схемаларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги маҳаллий реагент ПС-1 «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖда олтин саралаш фабрикасида амалиётга жорий этилган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2019 йил 24 сентябрдаги 63-563/1-сон маълумотномаси). Натижада флотобойитманинг чиқиши 5,4%ни ва ундаги олтин миқдори 128,6 г/т ва кумуш 643,7 г/т ни, металлларнинг бойитмага ажралиши 92,6 ва 63,2% ни ташкил қилиш имконини берган;

маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган реагентлардан фойдаланиб, олтин таркибдаги рудаларни қайта ишлаш технологик схемаси «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган (Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2019 йил 24 сентябрдаги 63-563/1-сон маълумотномаси). Натижада ПС-1 реагентини қўллаш очик циклда ҳам, ёпик циклда ҳам бойитманинг чиқишини 0,5% га камайтириш, очик циклда олтиннинг ажралиши 85,6-87,2%, кумушниги 50,4-34,1%, ёпик циклда эса тегишли равишда 84,6-42,8% ва 62,7-65,3% ташкил этиш имконини берган;

Кочбулоқ ва Қизилолма рудалари аралашмаси флотация жараёнининг реагент режими «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2019 йил 24 сентябрдаги 63-563/1-сон маълумотномаси). Натижада Қизилолма ва Кочбулоқ конлари рудаси аралашмасидан олтиннинг максимал ажралишини 93,5-94,76% ва кумушнинг ажралишини 66,3-68,52% га эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 6 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

**«Олтин таркибли рудаларни замонавий технологик схемаларининг таҳлили ва уларни такомиллаштириш имкониятлари»** деб номланган биринчи бобда олтин таркибли рудаларнинг классификацияси келтирилган ва уларни флотациялаш технологиясини такомиллаштириш йўллари ҳамда олтин таркибли рудаларни қайта ишлашнинг технологик схемалари ва уларни такомиллаштириш йўллари берилган, анъанавий реагент ўрнига тавсия қилинаётган янги реагент ПС-1 нинг характеристикаси тўлиқ баён қилинган, шунингдек бойитмаларни оксидловчи куйдириш асосланган.

Олтин таркибли рудаларни бойитиш ва қайта ишлашнинг усуллари жумладан, гравитация ва флотация усулида бойитиш, цианлаш, бойитмаларни оксидловчи куйдириш, олтин ва кумушни сорбцион танлаб эритиш ва бошқа усуллар ўрганилган. Олтин таркибли рудаларни турли усулларда бойитиш жараёни, маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган ПС-1 реагентининг таркиби ва сульфидли олтин таркибли рудаларни бойитилувчанлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикаси олтин таркибли рудаларнинг хусусиятларини ва уларнинг моддий таркибини ўрганиш»** деб номланган иккинчи бобда минералогик таҳлил учун намуналар ажратилган. Олинган кимёвий пробир, гранулометрик ва олтин ва кумушга рационал таҳлиллар учун ўртача намуналар тайёрланган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида ўрганилган рудалар кам сульфидли аралаш турдаги рудалар турига кириши аниқланди. Уларда сульфидларнинг гипергенли минералларга нисбати 3,2:5,6 ни ташкил қилади. Яъни улардасульфидлар тахминан ярмигача оксидланган. Бойитишга тақдим этилган руданинг минераллари арсенопирит ва пирит, кам микдорда

халькопирит, халькозин, ковеллин ва сфалериткўринишда учрайди. Норуда минераллардан кварц, слюдали минераллар кўп учрайди. Аксессуарлар сифатида титан минераллари иштирок этади.

Руда таркибидаги асосий фойдали компонент олтин ҳисобланиши аниқланди. Олтин рудада эркин ҳолда ҳам, сульфидлар билан боғланган субдисперс ҳолда ҳамда уларнинг оксидланган маҳсулотлари ҳолида ҳам учрайди. Ўрганилаётган руданинг ажралиб турадиган асосий хусусияти сульфидлар ва эрозитларда жойлашган субдисперс олтин таркибида учрайдиган платина гуруҳидаги элементларнинг иштирок этишидир. Шунингдек рудада нодир металлларни ажратиш технологиясини мураккаблаштирувчи мишяк ва слюдали минераллар миқдорининг ортиқлиги аниқланади.

Диссертациянинг «**Технологик намуналарни ўрганиш йўли билан олтин таркибли рудаларнинг бойитилувчанлигини ўрганиш услубини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобда Қизилолма, Кочбулоқ ва Ажибугут конлари олтин таркибли рудасини гравитация ва флотация усулларида бойитиш услубини ишлаб чиқишга бағишланган, шунингдек турли йирикликдаги маҳсулотларда гравитация усулида бойитиш ва анъанавий ҳамда ўрганилаётган ПС-1 реагенти иштирокида флотация тажрибалари ўтказилган.

Гравитация усулида бойитиш руда таркибидаги нисбатан йирик эркин олтин зарралари ва сульфидларни грави бойитмага ажратиш мақсадида ўтказилди.

Тажрибалар руданинг барча намуналарида 1-расмда келтирилган схема бўйича олиб борилди. Чўктириш руданинг -1+0 мм ли синфида амалга оширилди.


Чўктиришнинг оғир фракцияси шарли тегирмонда керакли йирикликгача қайтадан янчилди. Тажрибаларда максимал ажралиш ва бойитмадаги олтин миқдорини ошириш мақсадида концентрацион столда, оғир фракция 1 дан 0,1 мм гача йирикликда ўзгартирилди.

Чўктириш машинасининг ишлаш тартиби: 3-4 мм ли пўлат шарлардан иборат ўриндикнинг баландлиги 30 мм, тебранишлар амплитудаси 6 мм, тебранишлар частотаси 4,525 айл/мин, панжара ости сувининг сарфи 2,75 л/мин, панжара тешикларининг ўлчами 2 мм.

Коцентрацион столнинг ишлаш тартиби: тебранишлар частотаси 110 айл/мин, тебранишлар амплитудаси 8-11 мм, деканинг кўндаланг қиялиги 20 мм/м, ювувчи сувнинг сарфи 45 дм<sup>3</sup>/мин, тажрибаларда руданинг йириклиги 1,0 дан 0,1-0 мм гача ўзгарган.

Рудани оптимал йирикликда кўйилган тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда кўриниб турганидек Қизилолма ва Кочбулоқ кони олтин таркибли рудаларини гравитация усулида бойитишда олтиннинг маълум миқдори гравитация бойитмасига ажралиши мумкин. Олтиннинг гравобойитмага ажралиши қайси олтинли руда қайта ишланаётганига қараб 39,8 дан 81,5% гача, кумушниги 26,2 дан 34,6% гача ошди.



**1-расм. Гравитацион бойитишнинг технологик схемаси**

Рудани флотация усулида бойитиш асосига янчиш, асосий, назорат ва иккита тозалаш флотация операцияларини ўз ичига олган классик схема олинган.

Технологик намуналарни бойитилувчанлигини ўрганиш бўйича юқори технологик кўрсаткичлар олинган ҳамда Қизиллма ва Кочбулоқ кони рудаси аралашмасини анъанавий ва янги реагент ПС-1 билан флотациялаш учун тавсиялар берилган.

Ўрганилган рудаларни кимёвий реагентлар БКК ва Т-92 билан флотациялашда рудадан чиқиши 5,4%, таркибидаги олтиннинг миқдори 128,6 г/т, кумушнинг миқдори 643,7 г/т, металларнинг ажралиши тегишли равишда 92,3 ва 63,2% бўлган бойитма олинди. ПС-1 реагентини қўллаб олинган флотобойитма БКК қўлланилгандагига кўра юқорироқ сифатга эга: 214 г/т олтин 187,35 га нисбатан ва 920 г/т кумуш 850,1 г/т га нисбатан, очик

циклда ҳамда 140,9 г/т олтин 131,34 г/т ва 721 г/т кумуш 61,5 г/т га нисбатан ёпиқ циклда.

1-жадвал

Олтин таркибли рудани концентрацион столда оптимал шароитда гравитацион бойитиш натижалари

Намунанинг номи	Махсулот номи	Чиқиши,%	Таркиби , г/т		Ажралиши , %		Руданинг оптимал ўлчами,мм
			Au	Ag	Au	Ag	
Қизиллолма+Кочбулак	Концентрат	3,8	160,86	509,89	81,5	34,6	-0,25+0
	Оралик махсулот	3,2	7,26	64,75	3,1	3,7	
	Гравитацион чиқинди .	93,0	1,24	37,15	15,4	61,7	
	Руда	100,0	7,5	56,0	100,0	100,0	
Ажибугут №1	Концентрат	1,8	77,39	119,35	39,8	26,2	-0,5+0
	Оралик махсулот	10,5	6,73	19,68	20,2	25,2	
	Гравитацион чиқинди	87,7	1,60	4,54	40,0	48,6	
	Руда	100,0	3,5	8,2	100,0	100,0	
Ажибугут №2	Концентрат	1,9	78,47	66,76	49,7	29,5	-0,25+0
	Оралик махсулот	5,7	8,32	9,05	15,8	12,0	
	Гравитацион чиқинди	92,4	1,12	2,72	34,5	58,5	
	Руда	100,0	3,0	4,3	100,0	100,0	

Ажибугут кони рудасини БКК билан ва ПС-1 билан флотациялашда 1-намунадан чиқиши 1,1% таркибида 256 г/т олтин ва 386,2 г/т кумуш таркибли бойитма олинди. Бунда олтиннинг бойитмага ажралиши 76,1% кумушнинг ажралиши 51,8% ни ташкил этди.

2-намунадан чиқиши 1,4%, таркибида 186,3 г/т олтин ва 155,7 г/т кумуш таркибли, металлари ажралиши тегишли равишда 81,5 ва 50,7% ли бойитма олинди. Биринчи ҳолда олтиннинг ажралиши 6% га, иккинчи ҳолда 6,6% га камайди. Шу билан бир вақтда бойитманинг чиқиши 1-намунада 2,8%, 2-намунада 2% га камайди. Бойитмалардаги олтин ва кумушнинг миқдори 75,9 дан ва 112,5 г/т дан 256 ва 386,2 г/т гача ортди (1-намуна) ва 77,7 ва 61,2 г/т дан 186,3 ва 155,7 г/т (2-намуна) гача ортди

Диссертациянинг «**Олтин таркибли рудаларни механик бойитиш чиқиндиларини, гравио- ва флотобойитмаларни цианлаш ва сорбциялаш услубини ишлаб чиқиш ва тадқиқотлар ўтказиш**» деб номланган тўртинчи бобда руда ва бойитиш махсулотларини цианлаш схемаси, шунингдек уларни сорбцион танлаб эритиш схемаси ишлаб чиқилди.

Ўрганилаётган намуналарни цианлаш «ИРГИРЕДМЕТ» АЖ конструкцияли очик склянкага бутилкали агитаторда амалга оширилди.

50-200 г махсулот склянкали жойлаштирилиб, берилган концентрация натрий циониднинг сувли эритмаси ва керакли миқдорда химояловчит ишқор қуйилди. Жараённи назорат қилиш бўтананинг суюқ фазасида натрий цианид ва химояловчи ишқорнинг концентрациясини аниқлаш орқали амалга оширилди. Цианлашнинг оптимал шароитини танлаш борасида олиб борилган изланишлар мобайнида турли параметрлар, жумладан натрий цианиднинг концентрацияси, танлаб эритиш вақти, намунани янчиш даражаси кабилар танланди

Дастлабки ва охирги цианлаш махсулотларидаги нодир металллар миқдорини Перкин-Элмер фирмасининг атом-абсорбцион спектрометрида кимёвий усулда аниқланди.

Ажибугут кони 1-технологик намунасида олтиннинг миқдори 3,7 г/т, кумуш миқдори 1,2 г/т. Намунанинг янчилиш даражаси 95%, 0,074 мм ли суюқ фазанинг қаттиққа нисбати  $C:K = 2:1$   $C_{CaO} = 0,2$ ., цианлаш давомийлиги – 18 соат. Олтиннинг эритмага ажралиши 87,6%, кумушниги 81,9%.

Ажибугут кони 2-намунасидаги олтиннинг миқдори 3,0 г/т, кумушнинг миқдори 3,7 г/т, янчиш йириклиги 85% -0,074 мм ли синфгача, суюқликнинг қаттиқ зарраларга нисбати  $C:K = 2:1$  да, цианиднинг концентрацияси 0,1%, цианлаш давомийлиги – 24 соат. Бунда олтиннинг эритмага ажралиши 53,3%, кумушниги 51,3%, цианлаш чиқиндиларидаги олтиннинг миқдори 1,4 г/т, кумушнинг миқдори 1,8 г/т.


Гравитация чиқиндиларини цианлашда Ажибугут кони 1-намунасида олтинни эритмага ажралиши 88,1%, кумушнинг ажралиши 82,5%.

Ажибугут кони 2-намунасининг гравитация чиқиндиларини цианлашда олтиннинг ажралиши 56,3%, кумушнинг ажралиши 51,6%, цианлаш қолдиқларидаги олтиннинг миқдори 0,7 г/т, кумушнинг миқдори 1,5 г/т.

Гравифлотобойитмани цианлаш натижасида олинган эритмадан олтинни сорбция усулида ажратишда циониднинг концентрацияси 0,3%, охакнинг концентрацияси 0,02%,  $C:K=2:1$ , жараённинг давомийлиги 24 соат. Қўшилувчан смола миқдори бутана хажмидан 10%. Ажибугут кони руда намунасида олинган гравиобойитма ва флотобойитмага нисбатан цианлашда юқори технологик кўрсаткичлар олинди. Нодир металлларни эритма ва смолага ўтиши 93,3-98,3%. Ажибугут кони сульфидли рудасининг 2-намунасида олинган бойитма таркибидаги нодир металллар эритмада ёмонроқ эриди. Бунда нодир металлларнинг эритмага ажралиши олтин бўйича 58,5%, кумуш бўйича 54,8%, гравиобойитмадан, 53,7 ва 58,2% флотобойитмадан.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси олтин таркибли руда конларини қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобда Ажибугут кони оксидли ва аралаш рудаларини қайта ишлашнинг технологик схемаси, Ажибугут кони сульфидли рудаларининг қайта ишлашнинг технологик схемаси ва Қизиллма хамда Кочбулоқ конлари аралаш рудаларини қайта ишлашнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

2-расмда олтин таркибли рудаларни флотациялашнинг янги реагентлар ПС-1 ва БКК билан флотациялашнинг тавсия қилинаётган технологик схемаси келтирилган.



**2-расм. Кочбулоқ ва Қизилолма конлари аралаш рудаларини маҳаллий реагент ПС-1 ва БКК билан флотациялашнинг тавсия қилинаётган схема**

Янчишга кальцийланган сода, ПС-1 ва БКК, Т-92 флотация жараёнига берилади.

Тавсия қилинган схема бўйича ишлаб чиқилган тартибда узлуксиз жараён принципи бўйича назорат тажрибалар ўтказилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тавсия этиладиган схема бўйича назорат флотация тажрибалари натижалари

Махсулот	Чиқиши, %	Таркиби, г/т		Ажралиши, %	
		Au	Ag	Au	Ag
Концентрат	6,4	111,05	588,8	94,76	68,52
Чиқинди	93,6	0,42	18,5	5,24	31,48
Руда	100	7,5	55,0	100	100

Анъанавий ва маҳаллий реагентлар ишлатилганда таркибида 111 г/т олтин ва 588,8 г/т кумуш таркибли бойитмага ажралишлари тегишли равишда 94,76 ва 68,52 % бўлган бойитма олинган.

Янги маҳаллий реагент ПС-1 ни Кочбулоқ ва Қизилолма конлари рудалари ажралишини флотация усулида бойитиш мумкинлиги аниқланди. Бунда БКК ишлатилгандаги билан деярли бир хил натижалар олинди.

ПС-1 реагентини қўллаш очик циклда ҳам, ёпиқ циклда ҳам бойитманинг чиқишини 0,5% га камайтиришга имкон бериши аниқланди. Бунда очик циклда олтиннинг ажралиши 85,6-87,2%, кумушниги 50,4-34,1%, ёпиқ циклда эса тегишли равишда 84,6-42,8% ва 62,7-65,3% ташкил этди.

Янчиш жараёнига ПС-1 реагентини (150г/т) қўшиб кейин янчилган махсулотни қуйидаги тартибда флотациялаш: асосий флотация – соданинг сарфи 500 г/т, БКК-50 г/т, Т-92-80 г/т, назорат флотацияси БКК-20 г/т, Т-92-20 г/т, 2 назорат флотацияси – БКК – 10 г/т, Т-92-10 г/т, тозалаш флотацияси - БКК-10 г/т натижасида Қизилолма ва Кочбулоқ конлари рудаси аралашмасидан олтиннинг максимал ажралиши 93,5-94,76% ва кумушнинг ажралиши 66,3-68,52% га эришилди.

Қизилолма ва Кочбулоқ конларини дастлабки руда намунаси, гравитация циклида гравито ва флотобойитмаларнинг айланма сув таъминоти ва цианлаш системаси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ да қўлланилди ва натижада очик циклда чиқиши 5,4% таркибида 128,6 г/т олтин таркибли металлларнинг бойитмаси ажралиши тегишли равишда 92,6 % ни ташкил қилувчи флотобойитма олинган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси олтин таркибли конларининг рудаларининг моддий таркибини ўрганиш натижасида маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган янги реагентлар қўллаб қайта ишлашнинг технологик схемалари илмий жиҳатдан асосланди.

## ХУЛОСА

«Маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган реагентлардан фойдаланиб олтин таркибдаги рудаларни қайта ишлаш технологик схемасини илмий асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Технологик намуналарда нодир металлларнинг миқдори ҳар хил бўлиб Қизилолма ва Кочбулоқ кони намуналарида ўртача 7,5 г/т Au ва 55,4 г/т Ag, Ажибугут кони №1 ва №2 намуналарида мос равишда 3,6 ва 8 ҳамда 3 ва 3,7 г/т ҳисобида эканлиги билан изоҳланади.

2. Илмий тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики сульфидли ва аралаш технологик намуналарда пирит ва арсенопирит мавжуд. Арсенопирит Ажибугут конидан олинган иккала технологик намуналарда ҳам мавжуд. Ноъмадан қисми асосан кварц, слюдали ва бошқа минераллардан ташкил топади.

3. Технологик намуналарни флотация усули билан бойитишда янги маҳаллий реагент ПС-1 йиғувчи реагент сифатида қўлланилди. Таклиф қилинган ПС-1 йиғувчи реагенти билан Қизилолма, Кочбулоқ ва Ажибугут конлари намуналарини бойитишда қимматбаҳо йиғувчи реагент БККни қўллаб олинган бойитмаларга таркиби жиҳатдан бир бирига яқин бойитмалар олиш билан изоҳланади.

4. Қизилолма, Кочбулоқ ва Ажибугут конлари рудаларини бойитишга гравитация усули тавсия этилди. Қизилолма ва Кочбулоқ кони рудалари аралашмасидан гравитация усулини қўллаб олинган грави бойитма Au-160,86 г/т ва кумуш Ag 509,89 г/т ташкил қилди ҳамда уларнинг бойитмага ажралиши Au-81,5 Ag-34,6% ташкил этиш билан тавсифланади. Ажибугут кони (№1 ва №2) технологик намуналардан олинган бойитмада Au 76,35-94,47 г/т Ag 61-70,47г/т ни ташкил қилади, уларниг бойитмага ажралиши Au 38,5-50,0, Ag 30,2-33,5% ни ташкил қилади.

5. Илмий тадқиқот ишлари натижасида ўрганилган рудаларни бойитишда анъанавий ва янги реагент таклиф қилинади. Ажибугут кони №1 намунасида олинган бойитманинг чиқиши 3,2% ташкил қилади. Ундаги олтин миқдори 94,1 г/т ва кумуш 61,8 г/т металларнинг бойитмага ажралиши олтин бўйича 81,4% ни ва кумуш 56,5 % ни ташкил қилади. Ажибугут кони №2 технологик намунадан олинган бойитманинг чиқиши 3,4% ни ташкил қилган ҳолда ундаги олтин миқдори 77,1 г/т ва кумуш 59,4 г/т ташкил қилди. Металларнинг бойитмага ажралиши мос равишда 87,4 ва 54,6% ни ташкил этади.

6. Қизилолма ва Кочбулоқ конлари рудалари аралашмасидан анъанавий реагентларни қўллаб ёпиқ цикл бўйича олинган флотобойитманинг чиқиши 5,4% ни ташкил қилади ва ундаги олтин миқдори 128,6 г/т ва кумуш 643,7 г/т ни ташкил қилади, металларнинг бойитмага ажралиши 92,6 ва 63,2 % ни ташкил қилади.

7. Йиғувчи реагент сифатида маҳаллий реагент ПС-1 ни қўллаб Қизилолма Кочбулоқ ва Ажибугут конлари рудаларини БКК ни қўллашдаги натижаларга яқин натижалар олинади. ПС-1 реагентни қўллаганда бойитманинг чиқиши нисбатан кичик бўлади. Гравитацион бойитиш чиқиндисини флотация қилинганда ҳам шунга яқин натижа олинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.06.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОИЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ им. ИСЛАМА КАРИМОВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ им. ИСЛАМА КАРИМОВА**

**БЕКПУЛАТОВ ЖАВЛОН МУСТАФОКУЛИЕВИЧ**

**НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СХЕМ  
ПЕРЕРАБОТКИ ЗОЛОТОСОДЕРЖАЩИХ РУД С  
ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ РЕАГЕНТОВ ИЗ ОТХОДОВ  
МЕСТНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**04.00.14 – Обогащение полезных ископаемых**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.2.PhD/T1089.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.ndki.uz](http://www.ndki.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Ахмедов Хамиджон**  
кандидат технических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:** **Мухиддинов Баходир Фахриддинович**  
доктор химических наук, профессор

**Худояров Сулейман Рашидович**  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:** **ГП «Навоийский горно-металлургический комбинат»**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в «\_\_\_» часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.06.01. Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох,127. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz), [nsmi@gmail.com](mailto:nsmi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №\_\_\_). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Здание ректората НГГИ, 1-й этаж. Тел.: 0 (436) 223-56-90; факс: 0 (436) 223-00-55.

**Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.**  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**К.С.Санакулов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ш.Ш.Заиров**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ю.Д.Норов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире сульфидные золотосодержащие руды различаются по своему вещественному составу, характеру ассоциации золота и минеральным компонентам. Сульфидные золотосодержащие руды относятся к категории упорных и обладают низкими показателями извлечения металла. Разведанные запасы золотосодержащих руд подтвердили их невысокое содержание (3-7 г/т), тонкую вкрапленность, неравное распределение и высокую дисперсность золота. В связи с этим необходима разработка новых технологических схем переработки золотосодержащих руд.

На сегодняшний день во всем мире ведутся работы по совершенствованию технологических схем обогащения и гидрометаллургической переработки золотосодержащих руд, максимальному вскрытию золотосодержащих сульфидов путем разработки новых технологических и технических решений и повышению эффективности переработки. Возникает необходимость в разработке схем флотационного обогащения исследуемых руд с применением традиционных и новых реагентов, разработке различных методов обогащения золотосодержащих руд и методов их переработки, выявлению путей повышения эффективности обогащения на гидрометаллургических заводах и обогатительных фабриках, совершенствованию технологии переработки золотосодержащих руд из традиционных реагентов.

В Республике выполнен ряд научно-практических работ по совершенствованию технологических схем обогащения золотосодержащих руд, исследованию особенностей золотосодержащих руд и изучению их вещественного состава, разработке методики исследования обогатимости золотосодержащих руд путем изучения технологических проб, разработке методики исследований хвостов механического обогащения, гравито- и флотоконцентратов золотосодержащих руд на цианирование и сорбцию, разработке технологических схем переработки золотосодержащих руд. В Постановлении Президента Республики Узбекистан<sup>1</sup> определены важные задачи по «ускоренному развитию, модернизации и расширению производства крупных предприятий горно-металлургической отрасли». В связи с этим важно выполнять задачи по разработке технологических и технических решений, ориентированных на максимальную добычу драгоценных металлов, исследованию и разработке технологических схем переработки золотосодержащих руд с использованием реагентов из отходов местной промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлении

---

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли»

Президента Республики Узбекистан №ПП-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

**Степень изученности проблемы.** Значительный вклад в развитие научных основ и создание технологических схем обогащения золотосодержащих руд внесли ученые Абдурахмонов С.А., Ахмедов Х.А., Бергер Г.С., Воробьев А.Е., Денисова О.В., Забельский Д.К., Зеленев В.И., Ласкорин Б.Н., Лер К., Лодейшиков В.В., Милованов Л.В., Митрофанов С.И., Санакулов К.С., Таугинянская З.Р., Хабиров В.В., Хасанов А.С., Эргашев У.А., Griffin A.F., Grimm R., McQuiction F.W., Shoemaker R.S. и др. Ими достигнуты значительные успехи в разработке технологии обогащения руд цветных металлов, совершенствовании технологических показателей обогащения, разработке методик исследований обогатимости и технологических схем переработки золотосодержащих руд.

